

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил ноябрь ойининг 01 куни жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг очиқ суд мажлиси Асака тумани, Ҳамдўстлик МФЙ биносида бўлиб, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг судьяси Б., судья ёрдамчиси Ф.Абдурахимовнинг котиблигида, тарафлардан Асака туман прокурори катта ёрдамчиси А.Абдумаликов, судланувчи Ж.М ва унинг ҳимоячиси Асака туман “LAWYER” адвокатлик бюроси адвокати Х.Матмусаевларнинг иштирокида, жабрланувчи О.Хнинг қатнашувида,

М.Ж.А (М.Ж.А), 1989 йил 03 июнда Марҳамат туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, депутат эмас, давлат мукофотлари билан тақдирланмаган, деҳқончилик билан шуғулланади,

яшайди, иш бўйича 2022 йил 28 август куни “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 30.09.2022 йил куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланганга оид 1-1710-2201/166-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, М.Ж.А 2022 йил 27 август куни соат 23:30 да Марҳамат тумани, Йўламотол МФЙ, Зарқўрғон кўчасида маҳалладоши Хадиятуллаев Оятилло Абдукоххор ўғли билан унга тегишли бўлган дала майдонидаги экинларни ичида қўй ҳайвонларини боқиб, пайҳон қилганлиги юзасидан гап тортишиб, қўли ва боши билан О.Хни жағ ва бош қисмига бир маротабадан уриб иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра О.Хга “ўнг томондан пастки жағ суягини бурчак қисмидан ёпиқ синиши, бош мия чайқалиши” каби ҳаёти учун хавфлилик мезонига кўра ўртача оғир шикаст етказган.

Суд мажлисида судланувчи Ж.М ва жабрланувчи О.Хлар судга ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи Ж.М суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлигини,



қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, ҳозирда жабрланувчи О.Хдан кечирим сўраб, у билан бирон-бир тазйиқсиз, ихтиёрий ярашиб олганликлари ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи О.Х суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи Ж.Мга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, Ж.М томонидан унга етказилган зарарлардан ихтиёрий воз кечганлигини, Ж.М ундан кечирим сўраганлигини, унга моддий ва маънавий зарарлар юзасидан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, у билан ўзаро ихтиёрий ярашиб олганликларини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи Ж.М ва жабрланувчи О.Хларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Асака туман прокурори катта ёрдамчиси А.Абдумаликов ва судланувчи Ж.Мнинг ҳимоячиси адвокат Х.Матмусаевнинг жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Ж.Мнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва жабрланувчи етказилган зарарлардан ихтиёрий воз кечганлигини, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги ва ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Ж.Мга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашилганлик муносабати билан ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи О.Хга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек суд, судланувчи Ж.Мга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси тартибида ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, бир дона ДВД дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан **М.Ж.А (М.Ж.А)**га нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларни ўзаро ярашилганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи О.Хга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилганлиги тушунтирилсин.

Ж.Мга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил бир дона ДВД диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон килинган кундан эътиборан 20 сутка ичида Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят келтиришга ёки прокурор хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

Б. Хасанов

Ажрим нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича

Асака туман судининг судьяси

Б. Хасанов

